

Сонмез Кутлу,

*Анқара университети илоҳиёт факультети
профессори, Мотуридийшунос олим*

Имом Мотуридий ислом оламининг энг буюк мутафаккирларидан, шахсларидан бири бўлиб, ислом дини соҳасидаги кўп йўналишларда қалам тебратган. Имом Мотуридий тафсирда, яъни Қуръонни ўрганиш, англашда ўзига хос мустақил йўналиш танлади. У Қуръонни биринчи бор бошидан охиригача тафсир қилган олимлардан бири бўлгани учун тафсир борасида янги усул яратган мута-

моқда. Хусусан, Туркиянинг ўзида охириги йигирма-ўттиз йиллар давомида Мотуридийни ўрганиш бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилди. Элликка яқин докторлик иши, етмишга яқин номзодлик ишлари, етти юзга яқин мақолалар шулар жумласидандир. Мотуридийшунослик бугунги кунда нафақат ислом ва турк оламида, балки Европада, ғарбда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

ИМОМ АЛ-МОТУ

хассис сифатида тан олинади. Имом Мотуридий ўзидан жуда кўп асар қолдирган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган, ислом маданиятига, ислом тамаддунига жуда катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. Имом Мотуридий калом илмини ўрганишда бир тизимга таянишни йўлга қўйган ва “Китоб ут тавҳид” номи билан тўлиқ тафсирни амалга оширган. Ушбу асар дунё бўйича ягона қўлёзма нусхаси бўлган, ислом олами учун жуда муҳим манбалардан биридир. Яратганга шукрлар бўлсинким, бу китоб эндиликда қўпайтирилган ва кўплаб мамлакатларнинг кутубхоналарида нусхалари мавжуд. Буюк олим йигирмага яқин асар ёзган ва улардан атиги икkitаси бугунга қадар етиб келган. Улардан бири Қуръоннинг тўлиқ тафсиридан иборат асардир.

Бугуни кунда Мотуридийга нафақат Туркия, балки бутун ислом оламида, хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда ҳам катта қизиқиш билдирил-

Туркияда мотуридийшунослик бўйича кўплаб халқаро конференциялар ташкил қилинган. Бу симпозиумларда Ўзбекистон ва бошқа МДХ мамлакатларидан, Ғарбдан ҳам кўплаб олимлар иштирок этишди. Мотуридийнинг фикрлари бугунги замонда ҳам ўзининг аҳамияти билан кўпчиликини ўзига ром этмоқда. Мотуридий дин, фикҳ, калом илмида ақлга катта эътибор қаратгани билан диққатга сазовордир. Бу ҳақида у зотнинг ўзи “Китоб ут тавҳид” асарида “Ақл дунёвий ва диний ишларда, кундалик вазифаларимизда асосий мезондир”, деб ёзар экан, тўғри билимга, маълумотга эга бўлишни муҳим ҳисоблаб, “наъмунали диндор бўлиш учун, аввало, ишончимиз, сўнгра ахлоқимиз ва ибодатларимиз тўғри манбага асосланиши ўта муҳим. Тўғри маълумот, тўғри билим бўлмаган жойда солиҳ амаллар ҳам бўлмайди”, деб таъкидлаган. Мотуридий инсоннинг амали, ибодати холис бўлса, ишонч

асосида бўлса, у қабул бўлишига алоҳида урғу берган.

Ҳар бир мусулмон ўз ақлига, Қуръонга ва суннатга таяниб ҳаёт кечириши керак. Имом Мотуридий ишониш ёки ишонмасликда ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқи борлигини ва ҳеч ким бировни зўрлик билан ишонтира олмаслигига эътибор қаратади. Мотуридийнинг бу фикрини бугунги кундаги сохта салафийларга қарши қўллаш мумкин.

Имом Мотуридий таълимоти “инсоннинг эътиқоди ўз ҳақ-ҳуқуқи эканлиги, иймон-эътиқод билан боғлиқ ҳукм Аллоҳга хослиги, ҳар бир қилинган ёмон амал учун ажр ёки

рак деб ҳисоблайди. Бугун ислом оламидаги энг катта муаммолардан бири мусулмонларнинг ўзгалар қилаётган амалларни муҳокама, мунозара, баҳс қилаётгани, бошқаларнинг эътиқодини назорат қилишга уринаётганидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аввало, ҳар бир инсон ўзини ўзи назорат қилиши зарур.

Имом Мотуридий ахлоқ масаласига жиддий эътибор қаратган. Унга кўра, инсон тарбияга мойилдир. У тўғри тарбия орқали саодатга эришади. Бундан ташқари, Мотуридий дин ва сиёсат борасида фикр юритиб, дин ва сиёсатни аралаштириб бўлмаслигини айтиб, “ҳар бир имонли киши ўз имонини ақл билан қувватлаши, мантиқ ва далилсиз билимларга, ишонмаслиги лозим”, деб таълим беради.

Ислом дунёсида Боғдод, Хуросон, Мовароуннаҳр каби илм-фан марказлари бор. Улардан Мовароуннаҳр маданий маркази кўплаб олимларни етиштирган макон сифатида мутахассислар томонидан ҳамisha эҳтиром билан тилга олинади. Унинг Буюк ипак йўли устида жойлашгани ҳам бу ердан чиққан алломаларнинг илм йўлидаги сафари учун маълум маънода қулайликлар берган. Қадимда Туркистон ўлкасида исломга ва бошқа динларга эътиқод қилувчи аҳоли гуруҳлари яшагани маълум. Улардан ташқари аҳли ҳадис ва аҳли рай деб аталадиган яна бир тоифа ҳам ўтганки, аҳли илм вакиллари айнан улар томонидан муҳим усуллар яратилганини таъкидлаб, кучли гуруҳлардан бири сифатида эътироф этишади. Қолаверса, турли окимлар орасидан тўғри йўлни топиш, ўзга гуруҳларнинг ақида ва таълимотларини ўрганган ҳолда уларга раддия бериш учун Яратган бандасига юқтирган алоҳида хислат ҳам бўлиши керак.

Буюк олим, Имом Абу Мансур Мотуридий ана шундай алломалардан бири сифатида ўз замонасида илм майдонига чиқди. У насронийлик, иудаизм, монахизм, буддизм ва ислом таълимотларини пухта эгаллаган, ҳатто юнон фалсафасини, мўътазилийларнинг қарашлари-

РИДИЙ

жазо фақат Яратган томонидан берилажagini” уқтиради. Ҳеч кимнинг Салафийлар каби ўзгаларни мушрикка чиқариб ўзини жазоловчи сифатида тутишга ҳақи йўқ. Чунки Мотуридийнинг фикрича гуноҳ қилиш — Аллоҳ қайтарган нарсадан тийилмаслик бўлиб, бунинг жазосини фақат Аллоҳ бериши керак. Бу дунёда одамларнинг қилган ишига қараб уларни куфрда айблаб бўлмайди. Мўмин инсон гуноҳ қилгани билан у диндан чиққан ҳисобланмайди. Бу билан уни диндан чиқишда, тақфирда, ширкда айблаб ҳам бўлмайди.

Мотуридий барча инсонлар бир-бирига биродар дейди. Биродарлигимиз икки хилдир, яъни бутун инсоният билан инсоний биродарлик ва мусулмонлар билан диний-исломий биродарликдир. Бундан ташқари Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадисда мусулмон бошқаларга ишонч, амният, хавфсизлик берган кимсадир дейди. Имом Мотуридий мусулмон диндорлик борасида ўз эркинлиги, ҳуқуқини қўллаши ке-

дан ҳам яхши хабардор киши эди. Ҳатто ўзининг “Китоб ут тавҳид” асарида Арастунинг “Категориялар” номли китобидан мисоллар келтириб, ислом эътиқодида ақлга катта аҳамият берди.

Мотуридийнинг энг муҳим хусусияти динлардаги ёки бошқа мазҳаблардаги ҳар бир масалаларга, энг аввало, ақл мезони билан ёндашган ҳолда раддиялар бериб, жамият учун улкан “таржимон” вазифасини ўтаганидир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, унга ўз таълимотлари билан қарши турганлар жуда кучли маданий пойдеворга эга, минглаб йиллар мобайнида ақидаси куч йиғиб келган жамиятлар эди. Уларга бир сўз айтиш учун барча гуруҳлар, динлар ва мазҳабларнинг мўтадил қарашларини, ақидадаги фикрларини инобатга олиб, охир-оқибат фитнага олиб келмайдиган тайёргарлик талаб этиларди.

Имом Мотуридийга таҳсинлар ўқиш лозим бўлган жиҳат ҳам шуки, у зот ўз замонасида яшаган бошқа динларни ва фалсафий қарашларни эътиборга олиб, ҳар бир сўзларини аниқ манбалар билан далилаб инкор этиш амримаҳол бўлган фикр билдирган. Бу эса Мотуридийнинг илмда қанчалик кучли олим бўлганидан далолат беради. У бир вақтнинг ўзида фақиҳ, мутакаллим, муфасссир, файласуф бўлиши билан биргаликда, бир қанча фалсафий муаммолар билан ҳам мунтазам шуғулланган. Агар Мотуридийнинг қарашлари ақл ҳамда мантиққа таянмаганда ундан сўнг яшаб ўтган Форобий, Ибн Сино, Беруний каби буюк мутафаккирлар у зотнинг қарашларини қўллаб-қувватлаб, давом эттирмаган бўлишарди.

Имом Мотуридийнинг улкан хизматларидан яна бири шуки, у Мовароуннаҳрда ислом маданиятини ўзгартириб, ислом билимларининг ягона маданиятга айланишига катта таъсир кўрсатди.

Унинг “Китоб ут тавҳид” асаридаги таълимоти ундан кейинги олимлар ва мутакаллимлар томонидан жиддий ўрганилиб, илм йўлида

тадқиқ этилган. Мотуридийнинг эътиқод ва ақлга бўлган қарашлари туфайли Туркистонда ханафий фикҳининг жуда қўп намояндалари етишиб чиқди. У баъзи гуруҳлар сингари илмни фақат оят, тафсир ёки ҳадисга боғлаб талқин этмасдан, балки инсон тафаккури қамровида бўлган барча билимлар билан ҳамоҳанг тарзда талқин этиш лозимлигини таъкидлаб, илм асосида соғлом ақл, соғлом ҳис ҳамда ваҳийлар ётишига эътибор қаратган.

Ақида ва Калом илми йўналишида Мотуридий ўзига хос мактаб яратди. Бу мактаб фақатгина Туркистонда қолмасдан, Болқонга, Онадўлига, Туркиянинг барча ҳудудларига тарқалди. Негаки, бу таълимотнинг, муаллиф қарашларининг марказида инсон омили бор эди. Чунки у зот дин инсонга зарар берса бу илоҳий дин эмас, деб ҳисоблаган. Шу боис, Мотуридий ўзи яшаган жамиятнинг барча муҳим муаммолари билан шуғулланиб, уларни фалсафий, каломий ёки фикҳий йўллар билан ҳал этишга ҳаракат қилган. У Абу Ҳанифага эргашиб фикҳ усулига оид иккита асар ёзган, аммо улар бизгача етиб келмаган.

Шундай ҳикмат бор: бир олимни тирилтириш барча олимларни тирилтириш демакдир, дейилади. Бу инсонни тирилтириш деган маънода эмас, балки бир олимнинг фикрларини, маънавий меросини тирилтириш деган маънода айтилган сўздир. Буюк зотларнинг илмини, қарашларини, таълимотларини ёш авлодга етказиш улкан савоб. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасида Президент ва ҳукумат бошчилигида 3-5 март кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилаётган “Imom Abu Mansur Moturidiy va Moturidiya ta’limoti: o’tmish va bugun” мавзусидаги халқаро конференция аллома меъросининг янада яхшироқ ўрганилишига сабаб бўлиши билан ўта муҳимдир. Негаки, Мотуридий биз учун ўтмишда қолган аждодимиз эмас, балки бугунги кун учун ҳам ўз таълимоти ва ақидаси билан хизмат қилиши мумкин бўлган шахсдир.